

# **БҮЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ЭСТЕТИК ДИДНИ ТАРБИЯЛАШДА ХАЛҚ МУСИҚАСИНинг ЎРНИ**

**Дурдона Муродова Раимжон қизи**

Фарғона давлат университети “Санъатшунослик” факултети

“Вокал ва чолғу ижрочилиги” кафедраси ўқитувчиси

*Tel: +99899 912 27 18*

## **THE ROLE OF FOLK MUSIC IN THE EDUCATION OF AESTHETIC MUSIC IN FUTURE MUSIC EDUCATION TEACHERS**

**Durdona Murodova qizi**

Fergana State University, Faculty of Art History Lecturer at the Department of Vocal and  
Instrumental Performance

### **Аннотация**

Мусиқа педагогкаси инсонларни бадиий-эстетик жиҳатдан тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Булар орасида анъанавий халқ мусиқаси кишига тез таъсир этиши, осон қабул қилиниши ва инсоннинг ташқи оламга эстетик муносабатини шакллантириш хусусиятига эга. Мақолада миллий мусиқа ва қадриятларга бўлган меҳр-мухаббат акс эттирилган. Халқ мусиқасининг ўрнига алоҳида эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** мусиқа, бадиий, эстетик, миллий.

### **Abstrakt**

Music pedagogy plays an important role in educating people artistically and aesthetically. Among them, traditional folk music has the ability to quickly affect a person, is easily accepted and form a person's aesthetic attitude to the outside world. The article reflects the love for national music and values. Instead of folk music, special attention is paid.

**Keywords:** music, art, aesthetics, national.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларида эстетик дидни тарбиялашда инновацион асосда ташкил этиладиган мусиқа дарсининг алоҳида аҳамияти бор. Яъни янгича ёндашувлар асосида ташкил этиладиган мусиқа дарси бадиий дидни тарбиялашда таъсирчан воситадир. Бу борада энг масъулиятли вазифа мусиқа ўқитувчилари топширилади. Бадиий-эстетик дид тарбиясини мукаммал эгаллаш ҳар бир мусиқа ўқитувчисининг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи лозим. Талаба-ёшларни ҳар бир ўрганилаётган асарни дикқат ва эътибор билан тинглаш, унинг ифода воситалари ва мазмунини тўла идрок этишга ўргатиш зарурки, бу уларда одат тусига айланади ва бадиий-эстетик дидни ўстиришда муҳим роль ўнайди. Зоро, «музиқасининг ҳаётимизда тутган ўрни беқиёс. Она алласи билан меҳр-мухаббат, эзгулик, мурувват туйғулари қалбимизга жойланди. Айниқса, миллий қадриятларимиз бўлган ракс, фольклор, эстрада санъатида маънавий мерос асраб-авайлаб келинмоқда»[82;12]. Мана шу жараённи миллий

асосларини асл ҳолича сақлаб қолиш, ўқувчиларда миллий мусиқий мерос ва мусиқа санъатининг вазифаларига доир қараашларини тарбиялашда бўлажак мусиқа ўқитувчисининг тайёргарлигини мустаҳкамлаш, бадиий-эстетик компетентлигини ошириш ҳам жуда муҳим педагогик вазифаларданdir.

Хозирги пайтдаги ўзбек миллий мусиқасида юқорида келтирилган ва бошқа муаммоларининг ечимида бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларининг бадиий-эстетик компетентлигини ривожлантириш жуда муҳим ҳисобланади. Бу муаммолар бугунги кунда ахлоқшунослик учун ҳам долзарб аҳамият касб этади. Шунингдек, мусиқанинг бадиий-эстетик мазмуни юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этишида, инсоннинг бадиий-эстетик дидини такомиллаштиришда ўз аксини топади. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида мусиқа санъатини ривожлантириш орқали шахс ва жамият эстетик билим ва кўнкималарни юксалтиришга бўлган эътибор ҳар иккала жиҳатнинг уйғунлигига асосланади. Демак, товушлар туйғулар билан ҳамоҳанг бўлсагина фазилатларни шакллантиради, киши кайфиятига таъсир қўрсатади. Шунга кўра, инсоннинг турмуш тарзини акс эттирувчи, унинг эстетик оламини ифодаловчи мусиқа санъати инсон хаётий аъмолларининг ажralmas қисмидир.

Маълумки, мусиқа педагогкаси инсонларни бадиий-эстетик жиҳатдан тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Булар орасида анъанавий халқ мусиқаси кишига тез таъсир этиши, осон қабул қилиниши ва инсоннинг ташки оламга эстетик муносабатини шакллантириш хусусиятига эга. Бундан ташқари, халқ мусиқаси куй-оҳангларнинг табиийлиги ва соддалиги билан ҳам ажralib туради. Мана шу халқ мусиқасини олий педагогик талимда чуқур ўргатиш орқали бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг бадиий-эстетик компетентлигини ошириш, эстетик диди ва фаҳмини шакллантириш мумкин бўлади. Чунки мусиқа ижтимоий хаётнинг барча жабҳаларини акс эттириш имкониятига эга. У бир вақтнинг ўзида ҳам эпик, ҳам лириқ, ҳам драматик оҳангларда жаранглаши билан ўрганувчида ва тингловчида эстетик завқни пайдо қиласди. Айниқса, унинг ифодали-образли табиати қўпроқ лирикага яқинлиги билан ажralib туради. Айни пайтда, лирика мусиқанинг эстетик асосини ташкил этади. Шунингдек, мусиқа инсон эстетик оламидаги эзгу орзуумидларни бевосита ва билвосита акс эттиради: у инсондаги энг яхши туйғу ва фазилатларни намойиш этишга қодир.

Шуни таъкидлаш керакки, мусиқа тингловчини муайян ҳаётий мақсадга савфарбар қилувчи кучидан фойдаланган ҳолда уларда бадиий-эстетик улуғвор истакларни ҳам юзага келтиради. Шунинг учун ҳам бўлажак мусиқа ўқитувчилари орқали ўқувчиларда юксак ҳаётий мақсадларна олдига қўйишга йўналтириш, улуғвор истакларни туйишга ундаш ҳам муҳим ижтимоий-педагогик вазифаларданdir. Мусиқа ижро этиладиган санъат ҳисобланади. У ижро жараёнидагина жонланади ва “тилга киради”. Халқ мусиқа эстетикаси эса “бастакор – ижрочи – тингловчи” уйғунлигига асосланади. Бу санъатнинг ҳам архаик, ҳам анъанавий, ҳам замонавий турларида намоён бўлади. Бундан ташқари, мусиқа инсон фаолиятининг энг муҳим соҳалари билан алоқага киришади, меҳнат жараёнлари ва маросимларида қатнашади. Шу боис ҳозирги давр мусиқа маданиятида ижрочилик санъати мусиқавий ижодкорликнинг нисбатан мустақил қўринишини олган. Мусиқа майший ҳаётнинг муҳим қисми сифатида одамларни муайян мақсад-ниятга сафарбар этади, уларни эзгу туйғу ва гайрат атрофида бирлаштиради.

Демак, бўлажак мусиқа ўқитувчisi орқали ўқувчиларда юксак фикр ва туйғулар, нафосат, дил қувончлари, армон ва орзулар ҳосил қилиши, уларнинг ижодкорлик қобилиятини оширириши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, санъат гарчанд фандан кўра ўзига хос усулда кўзда тутган мақсади ҳам бир қадар бошқача бўлса-да, илм-фан билан доимо узвий боғлиқ. Чунки, муайян санъат асари илмий ўрганилаётган ижтимоий муаммоларни ҳам қамраб олади.

Бўлажак мусиқа ўқитувчилариға инновацион таълим жараёнида мусиқанинг назарий асосларини чуқур ўргатиш, мусиқа ва оҳангнинг илмий-педагогик таснифини чуқур сингдириш таълим сифатига кучли таъсир кўрсатади. Хусусан, овознинг бадиий-эстетик таъсир имкониятларини ҳам тўлақонли ёритилиши, бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлаш самарадорлигини оширади. Кўплаб тадқиқотчи олимлар овоз билан оҳангни қиёсий таҳлил қилиб, ҳар қандай овоз инсонга эстетик завқ беради олмаслигини келтиришади. Биринчидан – овоз нарса-ҳодисанинг шакл-шамойили ҳақида дастлабки маълумотни беради. Масалан, курбақанинг овози унинг кўринишини ҳаёлимизда гавдалантирса, одамнинг овози унинг бошқа одамлардан ажратишими兹 учун кўмак беради. Момақалдироқники эса табиат ҳодисаси ҳақида тасаввурни пайдо қиласи. Шунинг учун ҳар учала овоз эстетик завқдан маҳрумдир. Бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларида мусиқа таълимига оид билимларини мана шундай тарзда ошириш уларда бадиий-эстетик компетентликни ривожлантиради. Шарқ олимлари мусиқанинг юқори даражада қадрлаганлар ва бунда улар шубҳасиз, мусиқанинг бадиий - эстетик кучи ва ижтимоий тарбиявий ролини ҳисобга олган эдилар[58;19]. Шу боис мусиқанинг асосий компанентларида тарбиявий маънода педагогиканинг, бадиий-эстетик таъсир воситаси сифатида эстетиканинг ўрни юқори ҳисобланади. Буни қуйидагилар асосида қиёсий таҳлил қилиш мумкин:

Биринчи компонент - куй. Турли баланд ва узунликдаги товушларнинг маълум бир ритм ва ладда бадиий ҳолатда келиши. Куй ва унинг ривожланиш хусусиятларининг ўз диалектик алоқадорлиги бор: ҳалқ куйлари ва мақомларда - яъни ашуланинг бошланғич қисмидан куй авжга қараб ривожланиб боради. Биз куйда ботиний ва зоҳирий гўзалликни англаимиз. Ҳар бир нарса, ҳодисадаги тараққиёт йўналишини ифодаловчи тушунча имконият айни нарса-ҳодисанинг ривожланиш қонуниятлари таъсирида пайдо бўладиган ва ривожлана оладиган ҳолатdir. Куйнинг мусиқадаги асосий ифода воситалари бу - лад, ритм, метр, тембр, гармония ва бошқалардир.

Иккинчи компонент - гармония. Яъни оҳангдошлиқ, бир йўла эшитилган бир неча товушларнинг ўзаро боғланишда келиши. Масалан, Пифагорнинг хилма-хил овозли томонларнинг келишуви умумбашарий ҳамоҳанглик эканлиги, ёки қадимги хитой фалсафасидаги; коинотни ҳар бир парчаси алоҳида оҳанг чиқарувчи ва биргаликда ҳамроҳ куйни ташкил этувчи найга ўхшайди,[29;34] деган фикрлари алоҳида қимматга эга.

Учинчи компонент - ладлар. Турли баландликда бўлган товушларнинг ўзаро алоқаси, бекарор товушларнинг бир “тоника”га интилиши. Мусиқада ҳар бир лад маълум бир эстетик меъзоний тушунчанинг дебочаси десак бўлади. “Мажор” лади қўпроқ кўтаринкиликка, тантанага, улуғворликга ва бошқа ижобий ва позитив хислатларга чорласа, “минор” лади қўпроқ қайғуга, маюъсликга, лирикага, фожеавийликга етаклайди. Мусиқий компонентларнинг барчаси йиғилиб, энг аввало инсонда маълум бир эмоция уйғотади. Эмоция борлиқда содир бўлаётган ҳодиса ва нарсаларнинг шахс учун аҳамиятли жиҳатлари ҳақида дарак берувчи сигналлар тизими ҳисобланади. Мусиқа ана шу тизимидағи - “сигнал”дир. Мусиқа - шахс эмоционал соҳасининг таркибий қисмларига эмоционал тус, (тон) эмоционал ҳолатлар, кайфият беради уларни инсон ичдан кечиради. Демак мусиқага қараб инсон туйғулари ўзгариши мумкин. Нолага келсак, Европа мусиқасида “интерпретация” тушунчаси мавжуд, у мусиқа асарининг ижодий ижро этилишидаги талқинни англатади. Бироқ, Европа мусиқасида ижодий эркинлик маълум бир нота ёзуви чегарасидагина рўй беради. Миллий мусиқамиздаги нолани эса нота ёзуvida аниқ ифода этиб бўлмайди. Шунинг учун ноланинг ижроси - соф бадиий ижод жараёни бўлиб, ижрочи нолани ҳар сафар бирдек

ижро этолмайди, бу санъаткорнинг ижро вақтидаги эмоционал, эстетик ҳолатига боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда мусиқа таълими ва тарбияси олдига қўйилаётган замонавий талабларни мукаммал адо этиш, талабаларнинг ўқув дастури материалларини муваффақиятли ўзлаштиришлари жуда кўп ва хилма-хил омилларга боғлиқ бўлиб, бу омиллар тизимида мактабда мусиқа дарсларини олиб бориш учун яратилган педагогик шарт-шароитлар ва мусиқа таълими мазмунини белгилашга хизмат қилувчи турли хил керакли манбаларни мавжудлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бундай шарт-шароитни яратишда ҳам биринчи галда ўқитувчининг ижодий изланувчанлиги, интиливчанлиги, ташаббускорлиги, фаоллиги ва ўз касбига ва болаларга меҳр-муҳаббати етакчи ўрин тутади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдулла Шер, Баҳодир Ҳусанов. Эстетика. Услубий қўлланма. 2-нашр. - Тошкент: ЎзМУ, 2008. – Б.34.
2. Исҳоқ Ражабов Мақомлар. Тошкент.: Санъат нашриёти. 2006. –Б.19.
3. Панжиев Қ, Азизов Р. Эстрада қўшиқчилиги ёшларни тарбиялашнинг маънавий воситаси сифатида. Замонавий таълим. 2018. №7. –Б. 12.
4. . Madina Nasretdinova, Dilshod Toshaliyev, & Durdon Raimjon Qizi Murodova (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. Scientific progress, 3 (2), 846-850.
5. Madina Nasretdinova, Ismoil Rustamov, & Oybek Karimov (2022). MUSIQA SAN'ATINING HOZIRGI KUNDAGI O'RNI. Scientific progress, 3 (2), 841-845.
6. Madina Nasretdinova, Ulug'Bek Isakov, & Rustam Orziboyev (2022). XALQ IJODIYOTINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI. Scientific progress, 3 (2), 851-856.
7. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In Archive of Conferences (pp. 49-52).
8. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In Archive of Conferences (pp. 49-52).
9. Курбонова, Б. (2017). РОЛЬ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В РАЗВИТИИ ДУХОВНОГО МИРОВОЗРЕНИЯ ЛИЧНОСТИ. Ученый XXI века, 48.
10. Курбонова, Б. М. (2016). Роль перспективы в создании образца изобразительного искусства. Учёный XXI века, (7 (20)), 29-31.
11. Akhadjonovich, K. A. THE CLASSIFICATION, CONTENT, ESSENCE AND FUNCTION OF VALUES.
12. Ahadjonovich, K. A. (2021, January). SCIENTIFIC AND SPIRITUAL IN THE RISE OF SCIENCE THE IMPORTANCE OF HERITAGE. In Euro-Asia Conferences (Vol. 1, No. 1, pp. 369-372).
13. Kakharovna, A. M., Tadjimatovich, Y. M., Rakhmatovich, S. O., & Mirzahamdamovna, Q. B. (2021). Modern Approaches to the Teaching of Fine Arts. Solid State Technology, 64(2), 4250-4254.
14. Qurbonova, B. (2017). FINE ARTS ROLE IN DEVELOPMENT SPIRITUAL МИРОВОЗРЕНИЯ PERSONS. УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА, (2-3), 50.
15. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(05), 251-258.

16. Nazarova, I. (2022). Integrated ways of formation of the Uzbek national dance art. Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences, 5, 40-42.
17. Камбаров, А. А., & Нажметдинова, М. М. (2019). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ. In Условия социально-экономического развития общества: история и современность (pp. 148-151).
18. Камбаров, А. (2022). Илмий ва диний қадриятлар трансформацияси орқали маърифатли авлодни тарбиялаш зарурати. Общество и инновации, 3(2), 87-91.
19. Kambarav, A. A. (2020). ATTITUDE TO SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(9), 158-165.
20. Toshaliev, D. (2021). A BRIEF PHILOSOPHICAL-SCIENTIFIC ANALYSIS OF MAKOMS. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(12), 91-95.